

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САТИМОВА ДИЛАФРУЗ НУМОНЖОНОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ЁШЛАР СЛЕНГИНИНГ
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 811.111'276
811.512.133'276

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) in
philological sciences**

Сатимова Дилафруз Нумонжоновна
Инглиз ва ўзбек ёшлар сленгининг қиёсий таҳлили 3

Сатимова Дилафруз Нумонжоновна
Comparative analysis of English and Uzbek youth slang..... 27

Сатимова Дилафруз Нумонжоновна
Сравнительный анализ английского и узбекского молодежного
сленга..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 53

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САТИМОВА ДИЛАФРУЗ НУМОНЖОНОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ЁШЛАР СЛЕНГИНИНГ
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil1235** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифасининг www.adi.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шахабиддинова Шоида Хошимовна филология фанлари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Хошимова Дилдора Мадаминовна филология фанлари доктори, доцент Хамраева Хулқар Хамидуллаевна филология фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Кўкон давлат педагогика институти

Диссертация ҳамюзи Андижон давлат университети хузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 26 декабрь соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129 уй. Тел: 0(374) 223-88-14; факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (61 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129 уй. Тел: 0(374) 223-88-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «19 декабрь» кунга тарқатилади.
(2020 йил «19» декабрь даги 852 рақамли реестр баённомаси).



Н.М.Улуков

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

У.Э.Рахимов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., доцент

М.И.Умарходжаев

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари ўртасида кечаётган кенг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, фан-техника тараққиёти, миллатлараро муносабатлар, умуман, глобаллашув жараёнлари жамият ва тилга ўз таъсирини ўтказиб, ихтиёрий ва беихтиёр трансформацияга сабаб бўлмоқда. Шу жиҳатдан жаҳон тилшунослигида тилнинг ҳар бир индивидуум ҳаёт фаолияти давомида шаклланиб борувчи ижтимоий-маданий ҳодиса сифатидаги ўрни, ёш авлод вакиллари мулоқотида кузатиладиган сленгнинг ўзига хос жиҳатларининг тадқиқи муҳимдир.

Дунё тилшунослиги ва социологиясида жамиятнинг ёш аъзолари ҳамда уларнинг нутқини, уларда мулоқотининг асосий коммуникатив белгиси сифатида намоён бўлаётган жонли, кундан-кунга кўпаяётган фаол сўз ва иборалар – ёшлар сленгини қиёсий аспектда ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, дунё ҳамжамятида энг катта ижтимоий гуруҳ бўлган ёшлар мулоқотида тилнинг тўлақонли алоқа воситаси бўлиб хизмат қилиши, ёшлар сленги, унинг юзага келиш этимологияси, ўзига хос бетакрор спецификаси, дискурснинг турли кўринишларида гавдаланиши, қандай вазифаларни бажариши, социопрагматик жиҳатлари, ёндош ҳодисалардан (жаргон, арго, кент, вульгаризм, диалектизм, қуйи коллоквиализм) фарқи ҳамда индивидуумнинг ушбу ҳодисага муносабатини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати шароитида белгиланган «...руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарига эга бўлган ёшларни тарбиялаш» стратегик вазифалар¹ ўзбек тилшунослигида ёшлар нутқи борасида чуқур изланишлар олиб боришни кун тартибига қўймоқда. Шу жиҳатдан сленгларнинг келиб чиқиши, ўзига хос хусусиятлари, уларнинг давр руҳи, жамият ёшларининг қизиқишлари ва эҳтиёжларини акс эттириши сингари жиҳатларни инглиз ва ўзбек ёшлар нутқи мисолида қиёсий аспектда текшириш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармони / Халқ сўзи, – Т., 2017. – № 28 (6722).

Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацион иш муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг: «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида сленг концепцияси бўйича турли тилларда тадқиқот олиб борилган бўлишига қарамай, ушбу соҳа ҳамон баҳс-талоб ва қизиқарли масала ҳисобланади. Инглиз тилида ижтимоий табақаланиш ва сленг масаласига оид кўзга кўринган асарлар Европа тилшунослигининг йирик вакиллари Дж.К.Хоттен, Э.Х.Партридж, Р.Спирс, Л.Соудек, Л.Андерсон ва П.Труджил, М.М.Маковский²; рус тилшунослигида эса Б.А.Ильиш, И.Р.Гальперин, В.И.Арнольд, В.А.Хомяков³лар томонидан яратилган. Мазкур йўналишдаги тадқиқотларнинг функционал-семантик асоси Э.Матиэлло, А.Липатов, Т.Е.Захарченко⁴лар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ёшлар сленгига оид диққатга сазовор ишлардан К.Эбл, А.Ю.Романов, Е.Е.Матюшенко, Н.А.Джеус, Е.М.Казачкова⁵ каби олимларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида Ғ.Ҳ.Рахимов ўзининг «Британия ва Америка сленгининг социолингвистик хусусиятлари»⁶ номли диссертациясида ушбу масалага илк бор монографик планда эътибор қаратган. Қўлланилиш доираси чегараланган сўзлар Ш.Шоабдурахмонов, А.Ҳожиёв, Ш.Шаҳобиддинова, М.Асқарова, Х.Жамолхонов, М.Миртожиев, У.Турсунов, Ў.Юсупов,

² Hotten J.C. A Dictionary of Modern Slang, Cant, Vulgar words, Used at the Present Day in the streets of London. – London: Picadilly, 1860; Partridge E. Slang Today and Yesterday. – London: Routledge & Kegan Paul LTD, 1954; Spears R. A. Slang and Euphemism. – New York: Jonathan David Publishers, Inc. Middle Village, 1981; Soudek L. Structure of Substandard Words in British and American English. – Bratislava: Vydavatel'stvo SAV, 1967; Andersson L., Trudgill P. Bad Language. – USA. Penguin books: Language and Linguistic. – Blackwell, 1990; Маковский М.М. Английские социальные диалекты. Онтология, структура, этимология. – М.: Высшая школа, 1982.

³ Ильиш Б.А. История английского языка. – М.: изд-во лит-ры на иностранных языках, 1998; Galperin I.R. Stylistics. – М.: Higher School. 1971; Арнольд В.И. Лексикология современного английского языка. Учебное пособие. 2-е издание, переработанное. – М.: Флинта, Наука, 2012; Хомяков В.А. Введение в изучение сленга – основного английского просторечия. Монография. – Вологда: Областная типография, 1971. – 103 с.

⁴ Matiello E. An Introduction to English Slang. A Description of its Morphology. Semantics and Sociology. – Italy: Polimetrika International Scientific Publisher Monza, 2008; Липатов А.Т. Сленг как проблема социолингвистики. – М.: Эллис, 2010; Захарченко Т.Е. Английский и американский сленг. – М.: АСТ: Астрель, 2009.

⁵ Eble C.C. Slang and Sociability. In group language among College Students. – Chapel Hill, NC: The University of North Carolina Press, 1996; Романов А.Ю. Современный русский молодежный сленг. – Munchen: Verlag Otto Sagner, 2004; Матюшенко Е.Е. Современный молодежный сленг: Формирование и функционирование: Дисс. ...канд. филол. наук. – Волгоград: ВГПУ, 2007; Джеус Н.А. Лексико-семантическое словообразование в молодежном сленге: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Краснодар, 2008; Казачкова Е.М. Формирование и функционирование молодежного сленга в лингвокультурной среде: Дисс. ...канд. филол. наук. – М., 2006.

⁶ Рахимов Ғ.Ҳ. Британия ва Америка сленгининг социолингвистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дисс. – Самарқанд, 2006.

Р.Сайфуллаева (Б.Менглиев, Г.Боқиева, Г.Х.Раҳимов), Ш.Юлдашева⁷ ва бошқа тилшуносларнинг ишларида ўзига хос тарзда таҳлил қилинган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, ўзбек тилшунослигида ёшлар мулоқотида қўлланиладиган сленгнинг ўзига хос хусусиятлари чоғиштирма усулда текширилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университетида бажарилиши 2017-2020 йилларга мўлжалланган «ОТ-Ф1-18. Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида ёшлар сленгининг структурал-семантик, функционал-прагматик хусусиятларини, бошқа ёндош ҳодисаларга нисбатан умумий ва хусусий жиҳатларини, генезиси ва турли дискурсларда гавдаланиш жиҳатларини ва этимологиясини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тилларида ёшлар сленгининг структурал-семантик, функционал-прагматик аҳамиятини аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги ёшлар сленгининг бошқа ёндош ҳодисалардан фарқли жиҳатларини ёритиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги ёшлар сленгининг бетакрор спецификасини очиб бериш;

инглиз ва ўзбек ёшлари нутқида қўлланивчи сленглар этимологияси аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги ёшлар сленгининг турли дискурсларда қўлланишини кўрсатиб бериш;

инглиз ва ўзбек тилларида ёшлар сленгининг изоморфик ва алломорфик жиҳатлари, морфологик, синтактик ва лексик-стилистик хусусиятларини қиёсий тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларида ёшлар сленглари танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тилларида ёшлар сленгининг семантик-структур ва дискурсив хусусиятлари ташкил этади.

⁷ Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1980; Ҳожиёв А., Аҳмедов А. Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан, 1981; Шаҳобиддинова Ш. Жиноятчилар сленги ҳақида қарашлар // Филологиянинг долзарб муаммолари. «ПЗ-20170926286. Ўзбек суд амалий лингвистикаси тадқиқи» лойиҳаси доирасида ўтказилган республика илмий-амалий анжумани материаллари, – 2019; Аскарлова М., Қосимова К., Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тили. – Т.: Ўқитувчи, 1989; Миртожиев М.М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎЗМУ, 2000; Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992; Юсупов Ў.Қ., Менглиев Б. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2017; Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Фан ва технология, 2009; Юлдашева Ш. Ёшлар нутқида сленглар вужудга келишининг психологик сабаблари // Лисон илмининг чин яловбардори. Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. Илмий конференция материаллари. – Бухоро, 2017.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифий, чоғиштирма, контекстуал, лингвостатистик, компонент ва прагматик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида ёшлар сленгини тавсифловчи ва таърифловчи концепция, уни аниқлашнинг прагмасемантик ва структурал мезонлари ишлаб чиқилган;

инглиз ва ўзбек тилларида ёшлар сленги ҳамда социолектнинг жаргон, арго, кент сингари бошқа кўринишлари, шунингдек неологизм, вульгаризм, қуйи коллоквиализм, диалектизм ўртасидаги коммуникатив, когнитив, номинатив, эмоционал фарқлар очиб берилган;

ижтимоий сўровнома орқали, кузатиш ва тавсиф йўли билан инглиз ва ўзбек тилларида ёшлар сленгининг нутқнинг тежамкорлиги ва замонавийлигини таъминловчи структурал-семантик хусусиятлари, эмоционаллиги ва ижтимоий хосланганлигини таъминловчи функционал-прагматик жиҳатлари аниқланган;

қиёсланаётган тиллар кесимида ёшлар сленги ўртасидаги нутқда ҳосил бўлишига ҳамда қўлланишига кўра фаоллик даражаси, уларнинг келиб чиқиш ижтимоий, лисоний манбалари аниқланган ва тавсифланган, сленглар ҳосил бўлишининг аффиксация, аббревация, метафоризация, неологизм, қофияли сленг, тескари сленг, ўзлаштириш, кесиш, калькаләш, фонетик мимикрия, телескопия каби кўринишлари тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий ўқув юртларида умумий, қиёсий, инглиз ва ўзбек тилшунослиги, таржимашунослик, коммуникатив лингвистика каби фан йўналишларида яратилажак дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларида ёшлар сленгининг нутқда қўлланилишига кўра фаоллик даражаси аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларида ёшлар сленгига оид сленг-лексема ва сленг-фраземалар изоҳланганлиги, муқобиллари берилганлиги сленгларни бадиий ва синхрон таржима жараёнида муқобил вариантларини топишда қўл келиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференцияларда қилинган маърузалар, илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз ва ўзбек тилларидаги ёшлар сленгининг фонетик, морфологик, лексик, стилистик ва дискурсив жиҳатлари, социолектни тадқиқ этишга оид назарий хулосалардан тилшуносликнинг социолингвистика, прагмалингвистика йўналишларидаги ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги илмий хулосалар ва таҳлиллардан «Социолингвистика», «Прагмалингвистика», «Лексикология»,

«Таржима назарияси», «Стилистика», «Чет тили (инглиз)» фанларидан дарслик, ўқув қўлланма яратишда; замонавий бадиий ҳамда синхрон таржима, замонавий ёшлар сленги луғатларини тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек ёшлари сленгининг қиёсий тадқиқи юзасидан эришилган илмий натижалар асосида:

ёшлар нутқида кузатилаётган ўзига хосликлар – сленгларни қиёслаб тавсифлашда, мулоқот жараёнига ижтимоий, маданий, миллий омиллар таъсирини ўрганишда, сленгнинг социолектнинг бошқа кўринишлари билан фарқлари, сленгнинг қўлланиш доирасига кўра турлари, ёшлар сленгининг структур кўринишлари ҳамда ҳосил бўлиш асосларини аниқлаш, ёшлар нутқида қўлланувчи сленглар этимологияси борасидаги илмий хулосалардан ОТ-Ф1-18 рақамли «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълими вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4227-сон маълумотномаси). Натижада тилда янги пайдо бўлаётган унсурларнинг илмий талқини ва амалий таҳлили янги босқичга кўтарилган;

сленг юзага келишининг психолингвистик жиҳатларини ўрганишда, ёшларнинг фикрлаш тарзи ҳамда тилга онгли равишда прагматик ёндашувидаги уникал жиҳатларини аниқлашга оид хулосалардан ПЗ-20170926286 рақамли «Ўзбек суд амалий лингвистикаси тадқиқи» (2018-2020) номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълими вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4227-сон маълумотномаси). Натижада тилнинг истеъмол доираси чегараланган унсурларидан фойдаланишнинг психолингвистик омиллари очиқ берилган;

инглиз ва ўзбек ёшлар сленги тадқиқига бағишланган таҳлилий фикрлар-ва назарий хулосалардан Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг Андижон ахбороти «News» информацион дастури ҳамда «Онлайн дарс», «Ёшлар вақти» кўрсатувларида сценарийсида фойдаланилган (Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 27 июлдаги 20-24/320-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Диссертациянинг ҳажми фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳозирги замон тилшунослигида сленг ходисасининг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида социолект кўринишлари, жаҳон ва ўзбек тилшунослигида уларнинг талқини ва тадқиқи ҳамда тилшуносликда сленгни ажратиш мезонлари ёритилган. Ушбу бобнинг биринчи фасли «Тилшуносликда социолект ходисасига илмий ёндашувлар» деб номланиб, икки қисмдан иборат. Ушбу фаслнинг «Жаҳон тилшунослигида социолект масаласи» деб номланган биринчи қисмида ижтимоий қўлланилиш доираси чегараланган лексика, хусусан, жаргон, арго ва сленг ходисалари, улар ўртасидаги фарқлар ўрганилган.

Арго, жаргон ва сленгнинг оғзаки мулоқотда функционал жиҳатдан яқинлиги туфайли уларга бир хил тил ходисаси сифатида қаралади. Шу туфайли тилда уларни фарқлаш нафақат фойдаланувчилар, балки профессионал лексикографларга ҳам муаммо туғдиради⁸. «Арго – мулоқот предметини яшириш учун қўлланувчи, гуруҳни жамиятнинг қолган қисмидан ажратиш воситаси ҳисобланади. Арго кўпроқ тор маънода – жинойий олам мулоқот усули сифатида тушунилади. Ўз грамматикасига эга эмас, луғат таркибига кўпгина ўзга тил унсурларини олади»⁹. Демак, турли тилшунослар фикрига кўра, арго жамиятнинг қуйи табақалари, махфий гуруҳларнинг сирли мулоқотига хизмат қилувчи воситалардир. Жаргонни эса, кўплаб тилшуносларнинг таърифларидан келиб чиқиб, муайян ижтимоий гуруҳларга хизмат қилувчи касбга оид норасмий нутқда қўлланилувчи сўзлар йиғиндиси сифатида таърифлаш мумкин.

Ғарб тилшунослари тадқиқотларидан **сленг** атамаси тилшуносликда XVIII асрдан кейин қўлланилгани, унганча бўлган даврда бирликнинг нутқ ходисаси сифатида қўлланиши жуда узоқ даврни ўз ичига олганини кўриш мумкин. Аммо, шу билан бирга, юқоридаги давргача бўлган Англосаксон битикларида топилгани ҳақида маълумот ҳам бор. У лексик элемент сифатида Д.Чосернинг (1340-1400) шеъриятида учраган¹⁰. 1756 йилда Катта Оксфорд луғатида *slang* биринчи марта «паст ва кўпол тил»; 1802 йилда «профессионал жаргон»; 1818 йилга келиб «оғзаки нутқда неологизм ва махсус маънони

⁸ Липатов А.Т. Кўрсатилган манба. – Б. 20.

⁹ Катунин Д.А. Социоллингвистика. – Томск: Том. гос. ун-т, 2010. – С 6.

¹⁰ Partridge E. Кўрсатилган манба. – Б. 3-4.

англатувчи сўзлар» сифатида қайд қилинган¹¹. XIX аср ўрталарига келиб эса, сленгга «содда сўзлашув тил бирликлари» сифатида қараш кенг тус олгандир¹².

Ушбу фаслнинг иккинчи қисми «Ўзбек тилшунослигида социолект кўринишларининг ўрганилиши» деб номланган бўлиб, унда, дастлаб, ўзбек тилшунослигида қўлланилиш доираси чегараланган лексика тадқиқи ёритилган. XX аср иккинчи ярим йиллигида бир қатор тилшунослар томонидан берилган жаргон ва арго таърифлари «Ҳозирги замон ўзбек адабий тили» дарсликларида ўрин эгаллай бошлади. Ш.Шоабдурахмонов ва М.Асқарова (1980) ва б.лар жаргонни «синфий айирмаликни кўрсатиб берадиган, юқори табақа вакиллари учун тушунарли бўлган сўз ва иборалар. Жаргон ўзбек тилининг ўз сўзларидан, баъзан бошқа тиллардан (араб ва тожик тилларидан) олиниб қўлланган сўзлардир»¹³, деб таърифлаганлар.

Ўзбек тилшунослигида жаргон ва арго атамалари бирга қўлланилганини ҳам кўриш мумкин. М.Асқарова ва Х.Жамолхоновлар «**жаргон ва арголар** – баъзи ижтимоий гуруҳлар (текинхўрлар, безорилар, савдогарлар) нутқига хос бўлган сўз ва иборалар: *лой*, *якан* (пул маъносида), *қайчи* (ревизор маъносида), *бедана* (тўппонча маъносида))», деб таърифланган¹⁴.

Тилшунос олим М.Миртожиев жаргон ва аргога алоҳида тўхталиб, қуйидагича ёзади: «Жаргон жамоадаги табақаланиш бўйича ўз табақаси ва қарши табақага қўлланадиган терминлардир. Масалан, аслзода, оқсуяк, ялангоёқ, қорача, хўжа, жаноб, ҳазрати олий каби терминларини кўрсатиш мумкин»; «Арго маълум соҳа вакилларида қўлланилиб, бошқалар учун сир тутиладиган терминлардир. Масалан, ўғрилар аргосида пулни лой, нарсасини ўғирлатган шахсни ҳарф ва ҳ.к.»¹⁵.

Ўрганилган фикрлар ва талқинларни умумлаштирган ҳолда юқоридаги ҳодисаларга қўйидагича таъриф бериш мумкин:

Арго – қизиқишлари, машғулоти, ёшларидан келиб чиқиб, жуда тор доирада ижтимоий қатламнинг нутқда коммуникация предметини яшириш мақсадида, умумхалқ тилига оид сўзларнинг оғзаки нутқдаги синоним, омоним ёки полисемантик шакли, экспрессив хусусиятга эга бўлмаган лексемалар. Бундай сўзлар кенг халқ оммасига тушунарли бўлмайди, фақат шу гуруҳ кишиларигагина тушунарлидир. Улар сирли мақсадга мўлжалланган бўлиб, пароль вазифасини бажаради.

Жаргон – қўлланиши касб ёки бошқа тор доирадаги кичик ижтимоий гуруҳ билан чегараланган, умумтилдагидан ўзгача лексик маъно англатувчи, фақатгина ўзи хизмат қилувчи гуруҳдаги касб-кор эгалари ёки табақа вакиллари нутқда уларнинг дидлари ва талаблари ёки касб-корига оид турли тушунчаларни англатувчи оғзаки нутққа хос сўз ва иборалар.

¹¹ Липатов А.Т. Кўрсатилган манба. – Б. 45.

¹² Қаранг: Partridge E. Slang Today and Yesterday. – London: Routledge & Kegan Paul LTD, 1954. – P 2-18; Хомяков В.А. Кўрсатилган манба. – Б. 27.

¹³ Қаранг: Шоабдурахмонов Ш, Асқарова М. ва б. Кўрсатилган манба. – Б. 131-132.

¹⁴ Асқарова М., Қосимова К., Жамолхонов Х. Ўзбек тили. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – Б. 32.

¹⁵ Миртожиев М.М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎзМУ, 2000. – Б. 54-58.

Бобнинг «Тилшуносликда сленг концепциялари» деб номланган иккинчи фаслида жаҳон ва ўзбек тилшунослигида сленгга оид қарашлар ўрганилган.

Луғатдаги таърифлар шуни кўрсатадики, сленгга норасмийлик, ҳазиломузлик ва асосан оғзаки нутқда ҳукмронлик қилиш характерли. Узоқ даврлар жамиятнинг энг паст ва хавфли қатлами, жиноятчилар, яъни қуйи табақадагилар томонидан ишлатиладиган қуйи даражадаги сўзлар сифатида таърифланган сленг, оғзакидан кўра адабий тилга яқинроқлиги, тилда пайдо бўлган янги сўзнинг таърифланиши ва луғат таркибига киритилиши уни неологизмга айлантириши мумкин, аммо у энди сленг бўла олмаслиги эътироф этила бошланди¹⁶. Умуман, XXI асрга келиб, инглиз тили луғатларидаги таърифлар сленгга фақатгина ижобий ёндашувни кўрсатади.

Масалан, М.М.Маковский сленгни ҳайратланарли даражада улуғлайди ва шундай таъриф беради: «Сленг – бу тарихан ривожланган, маълум миқдорда барча ижтимоий қатлам вакиллари учун лингво-социал меъёр ҳисобланиб, асосан оғзаки нутқ соҳасида (фонетик, грамматик, лексик) ҳам генетик, ҳам функционал жиҳатдан жаргон ва профессионал тил элементларидан фарқ қиладиган махсус тил воситаси»¹⁷.

Ўрганилган назарий қарашлар асосида сленгга у ёки бу тилда етарли даражада мулоқот олиб бориш лаёқатига эга бўлган ҳар бир сўзлашувчи/ёзувчининг хоҳиши ва истагига кўра нутқда идеалликка интилиб, ўзида янгилик, замонавийлик, гайриоддийлик, эркинлик ва юмористик хусусиятни намоён қилиш мақсадида, вазият тақозосига кўра адабий тилдаги мавжуд сўзлар, воситалардан онгли ва мулоҳазали равишда (шартли қабул қилинган синонимик, антонимик, полисемик ва ҳатто неологик воситалардан) фойдаланувчилар нутқидаги ҳиссий бўёқдор норасмий мулоқот воситаси деб таъриф бериш мумкин.

Бобнинг учинчи фасли «Тилшуносликда сленг ва уни ёндош ходисалардан ажратиш мезонлари» деб номланиб, ушбу фаслда сленглари ажратишнинг назарий жиҳатлари, бу борадаги ғарб ва ўзбек тилшуносларининг қарашлари ўрганилган.

Кишиларнинг ички кечинмалари, хоҳиш-истаклари, фикр-мулоҳазалари ўзаро коммуникация орқали етказилади. Бунда индивидуум расмий услубдан йироқ бўлган оддий сўзлашув нутқидан фойдаланади. Кўринадики, сленг ҳам, ўз навбатида, ижтимоий мулоқотга хизмат қилувчи ижтимоий ходисадир.

Тадқиқотда Б.Дюма ва Дж.Лайтер, Р.Спирс, Л.Андерсон ва П.Труджил, Э.Партриджлар томонидан таклиф этилган сленглари ажратишнинг мезонларни ўрганиб, уларнинг ўхшаш томонларини жамлашни лозим деб топдик (5-илова). Ўз навбатида, масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, 17 банддан иборат сленглари ажратиш мезонларини таклиф этамиз (6-илова).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, реал ҳаётимиздаги мулоқот доимо адабий меъёрларга мос равишда тузилавермайди. Коммуникатив актда қандай сўз ва

¹⁶ Partridge E. Кўрсатилган манба. – Б. 3-18.

¹⁷ Маковский М.М. Английские социальные диалекты. Онтология, структура, этимология. – М.: Высшая школа, 1982. – С. 22-23.

ибораларни ишлатиш мулоқот вазияти, коммуникантлар ўртасидаги яқинлик, улар ўртасидаги билимларнинг характерли томонлари, суҳбатдош ва тингловчи хоҳиш-истаклари, коммуникациядан мақсад, сўзловчининг воқеликка муносабати орқали белгиланади. Бу борада, ҳар бир шахсда ўзининг ички туйғулари ва кайфиятидан келиб чиқиб, мулоқотга ранг бериш истаги туғилади. Нутқ жараёнида сўзловчи тингловчига ахборотни етказиб беришда эркинликка интилади, уни таъсирли қилишда ўзига хос қолиплардан қочади, ҳамда мулоқотга янгилик ифорини олиб киришни кўзлайди. Ушбу вазиятда тил субъекти интилган эркинликнинг нутқий ҳосиласи бу сленглардир.

Диссертациянинг «Сленглар таснифи» деб номланган иккинчи боби сленгларнинг қўлланиш доирасига кўра турлари, ўзбек ва инглиз тилларида сленгларнинг структур кўринишлари, сленгларнинг ҳосил бўлиш усуллари тадқиқига бағишланган.

Иккинчи бобнинг биринчи фасли «Сленгларнинг қўлланиш доирасига кўра турлари» деб номланади. Дастлаб, жаҳон тилшунослари сленгларни **умумий сленглар**, яъни сўзлашув нутқида кенг тарқалган, кўпчилик учун тушунарли бўлган аммо инглиз адабий тили луғатларидан ташқарида, ёрқин ифода қудратига эга, эмоционал-баҳоловчи, янгиликни ва оригиналликни намоён қилувчи, шунингдек, адабий тил сўзларининг ушбу хусусиятлардаги стилистик синоним, омоним, антоним ва паронимлари ҳисобланувчи сўз ва иборалар ҳамда **махсус сленглар**, яъни маълум соҳа ёки касб-ҳунар (денгизчилар, ҳарбийлар, спортсменлар, актёрлар, ҳуқуқшунослар, талабалар ва б.) лексикасига оид сўз ва иборалар, маҳаллий аҳолининг шеvasи, тор гуруҳларда қўлланувчи сўз ва иборалар, шунингдек арго, ижтимоий жаргон ва ҳ.к.ларга ажратишган. Бироқ, махсус сленг таркибига жаргонизмлар, арготизмлар, диалектизмларни киритиши, бизнингча, ноўрин. Ушбу терминлар бир-бирига генетик жиҳатдан боғланса-да, аслида, уларнинг фарқловчи хусусиятлари мавжуд (12-илова).

Ўзбек тилшуноси Ғ.Ҳ.Рахимовнинг «Британия ва Америка сленгининг социолингвистик хусусиятлари» номли илмий тадқиқотида умумий сленгизм (УС) махсус сленгизм (МС)га қарама-қарши қўйилади: «...иккала ҳолда ҳам сўзлашув тили лексикаси ва фразеологиясининг муайян қатламлари тушунилади»¹⁸.

Сленг яратувчилари ҳамда сленгларни тарғиб этувчилар ҳам кўп ҳолларда ёшлар ҳисобланади. Шу асосда биз инглиз ва ўзбек тилларида сленг таркибини икки гуруҳга – махсус сленг (МС) ва умумий сленг (УС) тарзида ажратишни лозим топдик. Махсус сленг (МС) таркибига турли соҳа вакиллари (шифокорлар, тадбиркорлар, ўқитувчилар, ҳарбийлар, спортсменлар, актёрлар, ҳуқуқшунослар ва б.) ёшлари томонидан қўлланилувчи сленглар-Ёшлар сленги (ЁС), Қариялар сленги (ҚС) ва ҳ.к. сленглар киради. Бу борада, Умумий сленглар (УС) бошқа ёш вакилларига нисбатан кўпинча ёшлар томонидан яратилиб, ижтимоий қатламнинг бошқа фойдаланувчиларига ўтган ҳолда кенг қўлланилади. Шу тариха УСлар луғат состави ЁС, шунингдек айрим ҳолларда, ҚСлар ва ҳ.к.

¹⁸ Рахимов Ғ.Ҳ. Кўрсатилган манба. – Б. 37.

сленглар томонидан бойиб бориши сабаб, сленг таркибида МС ва унинг таркибидаги ЁС доминант бирлик ҳисобланади.

Ёшлар сленги ва ёшлар жаргонининг асосий фарқлари шундан иборатки, ёшлар сленги умумий сленг хусусиятларига мос равишда кенг ижтимоий доира, ёрқин ифодаланган экспрессия, ҳазил мутойиба характерли, ижтимоий қатламдаги турли хил соҳадаги ёш авлод вакиллариغا хослик каби хусусиятларга эга. Ёшлар жаргони эса чекланган тор доирада тушунарли бўлиб, асосан сирли сўзлашув нутқи ҳисобланади... гуруҳдан ташқаридаги инсонга нисбатан ғараз ниятни яшириши ҳам мумкин¹⁹. Жаргондан фарқли ўлароқ, сленгда ҳеч қандай касбий чегара йўқ, унинг ишлатилиши фойдаланувчининг маълум маданий мақомини кўрсатади²⁰.

ЁСнинг қуйидаги ўзига хос бетакрор томонларини белгилаш мумкин:

Сленг – ёшларнинг тил элементлари мажмуаси (1). Мулоқотга янгилик ва замонавийлик руҳини олиб кириш, коммуникацияда хуш кайфият яратиш мақсадида яратилувчи жонли ва янгича мулоқот туридир. Унда ҳеч қандай ғаразли ва кўпол хусусиятлар акс этмайди (2). Шунинг учун арго ва вульгаризмдан генетик ва функционал жиҳатдан фарқ қилади (3). ЁСни касбий чегараланган эмас. Замон ўзгариши билан ЁС ҳам янгиланиб туради. Шунинг учун унинг энг асосий белгиси замонавийлигидир (4). Шу туфайли сленгда синонимия, омонимия, антонимия, полисемия ва ҳаттоки неологизм мавжуддир. Унда эски бирликлар ўрнини янгилари бойитиб туради. Бундан ташқари, унга юмористик (5) хусусият ҳам хос. Мулоқотда экспрессивликни таъминлаш, мароқсиз атмосферани бартараф этиш, монотон оҳангдан қочиш, катта ёшлилардан ажралиб туриш мақсадларини кўзлаган ёш авлод (6) сўз ўйини²¹. Ифода ёрқинлигига, (7) эмоционал-баҳолавчи характерга эга (8). УСдан ёш чегараланганлиги билан фарқ қилади ва УС луғат составини бойитиб тургани сабабли унинг таркибида доминант бирлик (9). Унинг асосий 5 функцияси мавжуд. Унга зукколик ва моҳирлик талаб этилгани учун (10) социопсихоллингвистик ёндашув зарур.

ЁСни ўрганишда сленг фойдаланувчиларининг ёш чегараси қандай, қабалидаги савол туғилиши, шубҳасиз. Жаҳон тилшунослари ёндашувлари ва кузатувларимиздан келиб чиққан ҳолда биз ЁСни 13-30 ёш оралиғидаги кишилар ўртасидаги эркин мулоқотда фойдаланиладиган турли кўринишдаги янги экспрессив сўз ва иборалар, дея олишимиз мумкин. Маълум бўлишича, 30 ёшдан ошган шахслар ўзларининг нутқларида кўпроқ адабий тил нормаларига интилишни намойиш қиладилар²². Биз юқоридаги таҳлилимиз асосли эканини исботлаш мақсадида аҳоли (асосан ёшлар) ўртасида ўтказган аноним сўровномамизда ёш чегарасини ҳам қўйдик. Ёшнинг «пастки» чегарасини 13-19, «ўрта» чегарасини 20-30, «юқори» чегарасини эса 31 ва ундан юқори ёшдаги

¹⁹ Ухова П.С. Структурно-семантические характеристики студенческого сленга: Дисс. ...канд. филол. наук. – Ярославль, – 2017. – С.59.

²⁰ Ухова П.С. Кўрсатилган манба. – Б. 60.

²¹ Матюшенко Е.Е. Современный молодежный сленг: формирование и функционирование: Дисс. ...канд. филол. наук. – Волгоград: ВГПУ, 2007. – С. 50.

²² Романов. А.Ю. Кўрсатилган манба. – С. 36.

шахслар ташкил этиб, қатнашувчи дастлаб, ўз ёшини кўрсатади ва шундан сўнг сўровномада қатнашади. Сўровнома шуни кўрсатдики, 70 фоиз ёшлар (пастки ва ўрта ёш чегараси) қатлами сленгдан бохабар ва ундан фойдаланади. «Юқори чегара»даги 20 фоиз катта авлодга ЁС нотаниш (улар ўзларига маълум ҚСдан фойдаланади), 10 фоизи эса ЁСдан фойдаланади (11-илова). Текшириш учун <https://t.me/UzSlengbot> га мурожаат этилади.

Бобнинг иккинчи фасли «Инглиз ва ўзбек тилларида сленгларнинг структур кўринишлари: лексем ва фразеологик сленглар» деб номланган бўлиб, ушбу фаслда сленглар тузилиш жиҳатидан таснифланган ҳамда инглиз ва ўзбек тилларидаги сленглар чоғиштириб, таҳлил этилган.

Сленглар структурасига кўра **лексем** ва **фразеологик** сленгларга бўлинади. Лексема яхлитлигича сленг бўла олади, шу боис уни **сленг-лексема** деб номлаш мумкин. Сленгларнинг ушбу турларида синонимия, антонимия, полисемия, омонимия ва ҳаттоки неологизм мавжуд. Ёшлар сленгида сленг-лексема ва фразеологик ибораларнинг қўлланилиши прагматик мақсадга хизмат қилади. Ўзбек тилида инглиз тилидаги каби, сленг-лексемалар тузилиш жиҳатидан содда, ясама, кўшма ва жуфт бўлиши мумкин. Масалан, **Содда сленг-лексема: қилич (зўр, сара), асе (жуда яхши, дўст, мутахассис).** **Ясама сленг-лексема: қайнанашика-қайнашика (қайнона), awesome (аъло, зўр).** **Кўшма-ясама сленг-лексема: нервпотолок (невропатолог), gobsmacked (карахт, ҳайратланган), open-mouthed (ҳайратда қолган, лол қолган).** **Жуфт сленг-лексема: чики-чики (аъло, зўр), easy-peasy (осон, енгил)**

Қилич лексемаси сленг сифатида қуйидагича қўлланилади:

Мана бу ерда гулларнинг қиличлари бор экан. Кел, танлаб оламиз²³.

Юқоридаги сленглар ёшлар орасида одатда ҳазил-киноя тарзида, адресат юзида табассум уйғотиш мақсадида қўлланилади. Сленг-лексема суҳбатдошга юмористик кайфият улашиш билан биргаликда, мулоқотни давом эттиришга ундайди. Эътибор беринг:

She can play a wicked guitar // У жуда зўр гитара чалади.

He shakes a wicked calf²⁴ // У жуда зўр рақсга тушади.

Ушбу гапни суҳбатдошга оддий кўринишда етказиш ҳам мумкин, яъни *She can play a guitar very well.* Бироқ, сленг-лексема қўлланилган гап ўзининг ҳиссиётга бойлиги, оригинал ва бетакрорлиги билан ажралиб туради. Зеро, *wicked* лексема инглиз тилида *ёвуз, ахлоқсиз, жиддий бўлмаган* каби салбий маъноларни англатса, у сленг-лексема кўринишида мутлақо ўзга ижобий маънолар (*wicked-excellent; wonderful-зўр, аъло, бетакрор*)ни беради.

Ўзбек тилида *wicked* сленг-лексемасининг муқобилини учратиш мумкин: *У гитара чалишни синдиради // У гитара чалишни ёрворади // У гитара чалишни чачворади // У гитара чалишни қийворади // У гитара чалишни ясаб ташлайди // У рақсга тушишни тешворади.*

Яна бир мисол:

²³ UzSlengbot@

²⁴ АБВУУ Lingvo x5 English-English.2011. Электрон луғат.

*I find myself altogether gobsnacked this week*²⁵ // Мен бутун ҳафта давомида қарахт бўлиб юрдим.

Gobsnacked сленг-лексемаси *gob* (оғиз) ва *smack* феълининг *шапалоқламоқ* ёки *шапалоқ солмоқ*, яъни *ҳайратдан оғзига шапатоламоқ* маъноси билан ҳосил бўлган. Ушбу сленг ўрнида юқоридаги ахборотни *surprised, astonished* сифатлари орқали ифодаласа бўлади, аммо тил эгаси сленгдан фойдаланишни афзал кўрган ва унинг яратилишига сабаб бўлган.

Фраземалар орқали ифодаланган сленгни сленг-лексемага монанд равишда **сленг-фразама** (СФ) деб аташ мумкин. Ёшлар сленгида фразеологик ибораларнинг кўлланилиши прагматик мақсадга хизмат қилади. *Сленг-фраземалар* инглиз ва ўзбек тилларида талайгина. Масалан: *To get one's knickers in a twist* – Brit. inform. slang / to become agitated, flustered, or upset. *She gets her knickers in a twist about the smallest thing* // У арзимаган нарсалар учун хафа бўлади.

Ўзбек тилида: **газни босмоқ**. Сленг маъноси: омадга эришиш учун тез ҳаракат қилмоқ.

- *Хўв, манга қара, ўйинга қарамайсанми, қаёққа қаравоссан?*

- *Бўпти майли, кўрамиз. Шошмай тур.*

- *Бўпти, бўпти омадингни берсин. Газни бос.* [Супер келинчак кинофильмидан. Ўзбекфильм, 2008]

Фразеологик бирликларнинг куйидаги турлари мавжуд: фразама ва идиомалар. Инглиз тилида эса *идиоматизация* сленг шаклланишининг яна бир механизми ҳисобланади ва уни *сленг-идиома* деб аташ ўринли бўлади. ***Take a powder*** – slang meaning: to leave in a hurry, run out of a place, to leave without saying goodbye.-сленг маъноси: шошилиб кетмоқ, жойдан югуриб чиқиб кетмоқ, хайрлашмасдан тарк этмоқ. *Why don't you take a powder?* – *Нима учун бу ердан сурмаяпсан (қочмаяпсан)?*

Аслини олганда, ушбу сленг-идиомани биз *Нима учун бу ердан сурмаяпсан?* дея таржима қилсак, унда ифодаланган мазмун тўғри ва аниқ берилган бўлар эди. Сабаби, *take a powder* идиомаси ўзбек тили ёшлар нутқида актуаллашган **сурмоқ** сленгидек экспрессив коннотацияни ифодалайди. Ўзбек тилида ушбу сленг *зудлик билан кетишга мажбурламоқ* маъносига тенг. У адресатни пассив эканига ишора қилиб, уни ҳаракатга ундашга қаратилади. Худди шундай маъно юқорида келтирган сленг-идиома таркибида мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Бобнинг учинчи фасли «Сленгларнинг ҳосил бўлиш асослари: структур-мазмуний жиҳатлар» деб номланиб, инглиз ва ўзбек тилларида сленгларнинг ҳосил бўлиш усуллари бағишланади. Тадқиқотларда сленглар, асосан, фонологик, семантик, морфологик ёки бошқа тиллардан ўзлаштириш усуллари орқали ҳосил бўлиши қайд этилади²⁶.

Сленглар, асосан, морфологик ва синтактик усулда ясалади. Инглиз ва ўзбек тилларида аффиксация, аббревация, метафоризация, неологизм, тескари сленг,

²⁵ ABVYY Lingvo x5 English-English. 2011. Электрон луғат.

²⁶ Захарченко Т.Е. Английский и американский сленг. – М.: АСТ: Астрель, 2009. – С. 409.

ўзлаштириш, кесиш, калькалаш, фонетик мимикрия, телескопия каби усулларда ҳосил қилинган сленгизмлар мавжуд. Масалан, «*Zowie!*» *he exclaimed, steam hissing appreciatively out of his hearslots.* «*What a smasheroo pair of gams!*» «*Why, thank you, Bozo,*» *said Hildy sweetly as she slid the rest of the way out of the idling landcar.* (Ron Goulart. *Big Bang*, 30) // «Зови!»- машина турқишидан миннатдорлик билан оғзидан тутун чиқариб хитоб қилди у. «Қандай кетворган (гўзал) оёқлар!» «Нима учун раҳмат, Бозо», -деди Хилдия оҳиста оҳангда автоуловдан тушиб қолгач.

Келтирилган парчада иккита сленг кетма-кет қўлланилганини кўрамыз. *What a smasheroo pair of gams!* жумласида *smasheroo* «гўзал», «кўркама», «жозибадор» ҳамда *gams* «аёлнинг оёқлари» маъноларини англатади. Мисолда ёшлар нутқида жозибадор аёл қандай кетворган (гўзал) оёқлар! ёки *От экану!* жумлалари орқали таърифланган. Бу ҳолат Британияликларга хос бирикма бўлиб, Америкада ушбу сленг мутлақо бошқа маънода қўлланилади. *Smasheroo* – *a popular success* (катта омад, машҳурлик) маъносини англатиб, сленг полисемиясини кўришимиз мумкин.

I.M.H.O. – *in my humble opinion* (*ИМҲО* – *шахсий фикри оғизимча*). Ушбу сленг асли инглиз тилида мавжуд бўлиб, уни ўрганувчи барча тилларга кириб келди. Уни қўллаш ўзбек ёш журналистлари орасида ҳам кузатилиб, маълум мавзуга оид ўз ёндашувлари акс этган фикр сўнига «*ИМҲО*» аббросленгизми кўйилмоқда.

Инглиз ва ўзбек тилларида метафоризация сленг ҳосил қилишнинг энг фаол усул ҳисобланиб, сленгларнинг катта қисмини қамраб олади: *лимон* (*миллион*), *бакалажка* (*спортсмен*), *бетон* (*бақувват, мустаҳкам, кучли, қўли ҳамма нарсага етадиган*), *зубочистка* (*нозик одам*), *арчилган тухум* (*сочи йўқ инсон, кал*), *бодринг* (*милиция ходими*), *кетмон* (*ўта содда, гўл*), *гишт* (*маст*), *фонарь* (*ваъда бериб, келмаган шахсга нисбатан*), *буқа состав* (*бақувват боллардан ташкил топган гуруҳ*) ва ҳ.к.

Инглиз тилида: *Diamond* (*wonderful*), *poison* (*alcohol*), *chicken curious* (*young person*), *mug* (*someone who will believe anything*), *fish* (*a woman*), *pack rat* (*a person who hoards things*), *bananas* (*crazy man*), *hoodie* (*a young person who wears a jacket with a hood*), *wheels* (*car*), *lemon* (*a bad buy or purchase*), *honey* (*an attractive girl*) ва ҳ.к.

Ўзбек ва инглиз тили сленгида «лимон», «lemon» сўзлари метафора орқали юзага келган сленглар ҳисобланади. Аммо қиёсланаётган тилларда сленг икки хил маъно беради. Ўзбек тилида асл маъноси «сарик субтропик мева» бўлган ушбу сўз сленг-лексема сифатида *миллион* маъносини, инглиз тилида эса *омадсиз харид* маъносини англатади.

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек ёшлари нутқида сленглар ва уларнинг лингвокультурологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ёшлар нутқида қўлланувчи сленглар юзага келишининг ижтимоий-психологик омиллари, шунингдек, ёшлар сленгининг турли дискурсларда қўлланилиши ёритилган.

Бобнинг биринчи фасли «Ёшлар нутқида қўлланувчи сленглар этимологияси» деб номланган. Ҳар қандай даврда ёшлар жамиятнинг янгиликка чанқоқ вакиллари дир. Жамиятда бўлаётган ўзгаришларни энг биринчи сезувчи ва уни оммага тарғиб қилувчи ҳам айнан улар ҳисобланади. Ёшлар таркибига кирувчи талабалар, ўқувчилар, ёш соҳа вакиллари ва бошқалар бир-бирига ижтимоий-руҳий томондан, қизиқишларнинг умумийлиги жиҳатидан яқин ва ҳамфикр эканлигини эътироф этиш лозим. Бинобарин, нутқда содир бўлаётган ўзига хос ўзгаришлар ҳам айнан ёшлар нутқида кузатилиб, жамиятнинг бошқа вакиллари нутқида ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Замонавий ўзбек ёшлари нутқида сленгларнинг вужудга келишига бир қатор психологик ва ижтимоий сабаблар мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

- чет тил ўрганишга бўлган эҳтиёж ва билингвизмнинг ортиши;
- замон билан ҳамнафас бўлиш;
- компьютер технологияларининг ривожланиши;
- янги дўстлар орттириш ва эркин мулоқот қилиш;
- оммавий ахборот воситаларини мунтазам кузатиб бориш;
- замонавий мусиқа маданияти билан ҳамоҳанг бўлиш;
- халқаро саёхатлар.

Юқорида келтирилган омилларни сленгларни вужудга келишининг ядро қатлами десак, бундай омиллар қаторига яна бир қатор ядро ости периферия омилларини ҳам киритиш мумкин:

Оилавий шароитларнинг ўзгариши; чет эллик тенгқурлар билан ўқиш; чет эллик тенгқурлар билан ишлаш; чет эллик тенгқурлар билан мулоқот (ёзма, оғзаки); таржимонлик фаолиятини олиб бориш; чет элликка уйланиш ёки унга турмушга чиқиш ва ҳ.к.

Бир нечта фаслларга эга машҳур «Friends» (1994-2004) фильми нафақат инглиззабон, балки, инглиз тилини ўрганувчи ёшларга сўзлашув нутқида қўлланиладиган сўз ва ибораларни ўрганиш имконини берди. Унда қўлланилган сленглар ҳам эркин суҳбатда қўлланиладиган бирликлар сирасига кириши кузатилди. Масалан, *Oh My God!* – *OMG = used to express surprise, excitement, or disbelief.* // *Эй Ҳудойим!* – *Во ажаб!* = *ажабланиш, ҳаяжонланиш ёки шончсизликни ифода этиш учун ишлатилади.*

Here we go, Pivot = to turn on a point or shaft. // *Қани кеттик, шу ерда айлантирамиз!* = *айлантирмақ, бурмоқ.*

Ушбу ёшларбоп фильм ҳозирда ҳамма учун маълум бўлган *OMG!*-*Эй, Ҳудойим! Во, ажаб! Ё, алҳазар!* сленгини оммалаштиргандир. Вақт ўтган сайин унинг замонавий талқинлари пайдо бўлди: *Oh Gosh!* - *Oh my Godness!* - *O.M.G.!* - *For Heaven's Sake!* - *Gosh Almighty!* - *Oh Good Lord!* - *Dear me!* - *For the Love of God!* - *Holy Moly!* - *Oh Golly!* - *Blimey!*

Фантастик жанрдаги Гарри Поттер (1997-2007) асарининг киноталқини зангори экранга чиққач, сон-саноксиз ёшлар фильм тилига боғланиб қолдилар. Сюжет фантастикага бой бўлгани сабабли фильм воқеаларига хос сленглар

яратилган: «*Budge up, yea great lump,*» said the stranger. (Rowling J.K. Harry Potter. Ch IV, 35) // «*Сурил, ҳа, сен, аҳмоқ,*» деди нотаниши киши.

Ўзбек тилида ҳам замонавий қўшиқлар, ҳажвий ток-шоулар, шунингдек, ёшларбоп кинофильмлар орқали сленгларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Хусусан, ёшларга хос қўшиқларда ўзлашма сленгларни учратишимиз мумкин:

Ижобий бунинг ҳаммасига мани муносабатим

Замонавий «boyfriend» ман, бойвочча. (Қўшиқдан. Жаҳонгир Позилжонов. Бойвочча. 2007)

Ушбу қўшиқ сабаб ёшлар нутқида «*boyfriend*» ўзлашма сленги кузатила бошлади. Ушбу сўз асли инглиз тилидан олинган бўлиб, «*ўғил бола дўст/йигит*» маъносини англатади.

ЁСнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

Коммуникатив вазифа. (ЁС эркин мулоқот шаклланиши, бу билан фикр алмашувнинг қизғин давом этиши, умуман, расмий муносабатдан йироқ бўлиш, тингловчини суҳбатга чорлаш).

Номинатив вазифа (адабий сўзлардан фойдаланиб, ўзгача маънода ном бериш хусусияти).

Когнитив вазифа (стандарт тилда мавжуд бўлган сўзнинг бошқа маъносини адресат англаб етиши, ўрганиши ва фикрлаши).

Тежаш вазифаси (тежамкорлик, фикрни лўнда баён қилиш, шунингдек, норасмий ёзма нутқда вақт ва жойни тежаш).

Эмоционал-баҳоловчи вазифа (объектга нисбатан ҳазил тариқасида унга баҳо бериш ва ёрқин ифодалаш).

Учинчи бобнинг «Сленгларнинг турли дискурсларда қўлланиши» номли иккинчи фаслида ёшлар сленгининг эркин мулоқотда, бадий асарларда ҳамда интернетда қўлланилиши таҳлил этилган.

Сленгни ўрганишда, аввало, унинг турли дискурсларда (бадий, реклама, оммавий ахборот воситалари ва оғзаки нутқда) аҳамиятини ўрганиш ва сленгнинг ривожланишидаги асосий тенденцияларни аниқлаш лозим. Сленг муаммоларини ўрганиш замонавий тилшунослик учун назарий жиҳатдан муҳимдир. Бу орқали унинг функционал хусусиятлари, сленгизмларнинг ўрни ва иккиламчи матнларда семантик имкониятнинг моҳияти, унинг лингвопрагматикасини тушуниш, сленг тушунчасини асослашга назарий ёндашувлар ва унинг маданиятлараро ривожланиш истиқболлари баён қилинади²⁷.

– *Тендимми²⁸ сенга ёки ҳалиям етиб бормадимми? Думканг чақмадиёв, ҳалиям.*

– *Ҳа бўлди, бўлди, энди тенди. Шунақа дегин.* (Сўзл.)

Келтирилган суҳбат жараёнида биринчи сўзловчи, аввало, тингловчини суҳбатга чорлайди, иккинчидан, тингловчини прагматик ёндашувга ҳаракатлантиради, яъни унинг контекстга кириша олиши, ишлатилган сленг маъносини тушуниб етишига турткилайди, ва ниҳоят, конвергенция –

²⁷ Макарова Е.С. Актуальные проблемы сленгологии // Международный научный журнал «Символ науки» – №12-2, 2016. – С. 127-128.

²⁸ <https://t.me/UzSlengbot>

сухбатдошга мослашишга ундайди. Ўз навбатида, тингловчи сўзловчига монанд жавоб қайтаришга ҳаракат қилади ва контекст мағзини чақади. Ушбу парчада сленг синонимиясини ҳам кўриш мумкинки, иккинчи гапда *тепмоқ* сленги ўрнига унинг *чақмоқ* контекстуал синонимига мурожаат қилинган.

Ёшлар орасида *каскам (миям) қисиб қолди* сленг-фраземасини кўллаш ҳам учрайди. У орқали сўзловчининг нимагадир тушунмаганлиги ифодаланади, яъни *тепмади, чақмади* сленглари билан синонимлик ҳосил қилинади: *Қизбачалардан исхори дилни эшитганману лекин бунақасини... Каскам қисиб жойимда туриб қопман. Бир урушиб берган эди югуриб етолдим. Мен тормозда эдим.* [Мондивой (қишлоқи). Мондивойнинг саргузаштлари]

Ўзбек тилида *тепдими?* сленгининг синонимлари *думканг чақдими?*, *контактинг чақдими?* бўлса, инглиз тилида ушбу сленгнинг *Does it make sense?*, *Got the idea?*, *Clear so far?* [Tony Prince. Academic Director. Professional Development for Teachers from Uzbekistan. NILE. Norwich. England. 2019. August.] синоним шакллари мавжуд. Бунга жавобан эса *I think I got the idea // Yea, that makes me sense* қабилидаги сленг-фраземалар ишлатилади.

